

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Сув таъминоти ва оқова сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК**

**Фарғона вилояти худудий**

**бончармаси бошлиғи**

**P.C.Холикназаров**

**2022 йил**



**Лойихачи ташкилотини танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**2022 йил**

# **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

## **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

## **II. Техник қисм**

## **III. Нархлар қисми**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Танлов предмети: “Фарғона тумани Марказ МФЙ Марказ, Чашма, Миндон хамда Ворис кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати 83 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Фарғона шахар Б.Маргиноний 143 уй.

Эл.адрес: 305987080\_607000609@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, ушбу фаолият турини бажариш учун лицензияга эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқукий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- Лицензия, гувохнома;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўгрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати;
- Кафолат хати (буортмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибига мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талаборларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талаборларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буортмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буортмачи” томонидан кўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзои ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчisi:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўгрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари түғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва түғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади